



ЁШЛАРДА МУОМАЛА МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲАДИСЛАРНИНГ ЎРНИ

Annotation:	<i>Ушбу мақолада ёшлар тарбияси, уларнинг хулқ-атворлари ва муомала маданиятининг шаклланишида ҳадисларнинг ўрни ва аҳамияти очиқ берилган.</i>
Keywords:	<i>Ҳадис, Қуръон, муомала маданияти, сура ва оятлар, тафсир, одоб-ахлоқ, садақа, ахлоқ тамойиллари.</i>
Information about the authors	<i>Ражабова Роҳила Закировна Бухоро давлат университети Ислом тарихи ва манбаишунослиги, фалсафа кафедраси ўқитувчиси</i> <i>Норнўлатова Динора Нутфуллаева Бух ДУ талабаси</i>

Кириш. Инсон камолотида, ҳаёт ривожиди, иш юритишда, одамлар сиҳат - саломатлигини муҳофаза қилишда муомала ва ахлоқ асосий омил бўлади. Муқаддас динимиз манбаларида инсонлар бир-бирларига доимо ширинсуханлик ва одоб-ахлоқ билан муомала қилишлари лозимлиги таъкидланади. Бугунги кунда ёшлар тарбиясида муомала маданияти асосий омил ҳисобланади. Ёшларнинг хулқ-атворидаги кўзга ташланадиган асосий нукта бу муомаладир. Тилга эътиборли бўлиш, мулоҳаза ва мушоҳада билан фикр юритиш, самимий муомалада бўлиш инсон учун фақат яхшилик келтиради. Ислом дини хушмуомалали бўлишга, бировларнинг кўнглига озор бермасликка, ширинсуханликка ундовчи таълимот бўлиб, ҳатто Муҳаммад пайғамбар (САВ) мусулмонларга хушмуомалаликда ўрнак бўлганлар.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад (солаллоҳу алайҳи васаллам)даги мулоийимлик фазилатлари ва унинг чиройли оқибатларини инсонларга намуна қилиш мақсадида ояти карима туширган:

فَبِمَا رَحْمَةٍ مِنَ اللَّهِ لِنْتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًا غَلِيظَ الْقَلْبِ لَانْفَضُّوا مِنْ حَوْلِكَ فَاعْفُ عَنْهُمْ وَاسْتَغْفِرْ لَهُمْ وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَوَكِّلِينَ

“Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй Муҳаммад,) уларга (саҳобаларга) мулоийимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар. Бас уларни афв этинг, (гуноҳлари учун) кечирим сўранг ва улар билан кенгашиб иш қилинг! (Бирор ишга) азму қарор қилсангиз, Аллоҳга таваккул қилинг, зеро, Аллоҳ таваккул қилувчиларни севар” [1].

Муомала оилада ҳаёт файзи, хонадон эгалари учун унинг чироғи каби дейишимиз мумкин. муомала маданиятининг гўзаллиги билан муаммолар ечилади, қалбларга йўл топилади, орзулар рўёбга чиқади, ота-онани кўнглини олишга шароит яратилади. Шу ўринда халқимиз “Ширин сўз



билан илон инидан чиқади”, деб бежиз айтмаган. Ҳатто, чиройли муомала моддий маблағ билан қилинган яхшиликларни ҳам босиб ўтиши мумкин. Бу маънони таъкидлаб Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) Пайғамбаримиздан (солаллоҳу алайҳи васаллам) келтирган ҳадиси шарифда: “Табассум билан айtilган чиройли сўз - садақадир”, дейилади. Бу билан одамларнинг ўзаро муомаласи қай даражада иззатланиши таъкидланмоқда. Гоҳида кичкина эътиборсизлик катта нохушликларга сабаб бўлади. Инсонлар ўртасидаги ўзаро муҳаббат, ҳурмат, ишонч камайиб, мунозаралар соат сайин зиёда бўлади.

Ширин сўзлик садақанинг афзали эканлиги Қуръони каримда ҳам келтириб ўтилган. Аллоҳ қуйидагича марҳамат қилади:

قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ وَمَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِّنْ صَدَقَةٍ يَتَّبِعُهَا أَذًى وَاللَّهُ غَنِيٌّ حَلِيمٌ

“Яхши сўз ва кечириниш, ортидан озор келадиган садақадан кўра яхшироқдир. Ва Аллоҳ ғаний ва ҳалим зотдир” [2].

Ояти каримага кўра “ортидан озор келадиган садақа”нинг кераги йўқ. Ундан кўра бир оғиз ширин сўз ва кечириниш бўлиш яхшироқдир. Бир оғиз бўлса ҳам, ширин сўз қалбнинг жароҳатига малҳам бўлади, кишининг кўнгилни кўтаради. Кечириниш эса, ҳасад ва ёмонликни ювиб ташлаб, ўрнига муҳаббат ва дўстликни солади.

Муомала маданияти борасида Муҳаммад пайғамбар (САВ) дан кўплаб ҳадислар ривоят қилинади, жумладан, Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: Мен ўжар, бўйин бермайдиган туяга минган эдим. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: **“Мулойим бўл! Мулойимлилик кимда бўлса ўшани беаб туради, мулойимлилик кимда бўлмаса уни бузиб туради”**, - дедилар. Бу ҳадиси шарифдан кўриниб турибдики муомалада ҳар-бир мўмин инсон барча инсониятга мулойим муносабатда бўлиши керак. Албатта, бунда тилни назардан қочирмаслик лозим. Чунки халқимизда **“Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил”**, деган ажойиб нақл бор. Ширин сўз, мулоҳаза, мушоҳада билан самимий муомалада бўлишга одатланиш, ҳар бир инсоннинг энг асосий фазилати ва бурчидир. Агар инсон гўзал, хушқомат, зеби-зийнатлари ҳам жойида бўлса-ю, муомаласи қўпол, зардали ва бадхулқ бўлса, уни чин мусулмонлар сафига кирита олмаймиз.

Ҳеч нарса киши ақлини муомала ва ахлоқчалик намоён этмайди. Инсон ўзини қанчалик гўзал ва чиройли деб ўйламасин, муомала маданиятини ва одоб - ахлоқни билмаса ҳеч қачон ўзгалар ҳурмат - эътиборига сазовор бўлолмайдилар. Бу борада Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳар бир нарсанинг одобини кўрсатиб берганлар. Саҳобалар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан: **“Инсонга ато қилинган энг яхши нарса нима?”** деб сўрашганда, **“Гўзал хулқ”**, деб жавоб бердилар. Бошқа бир ҳадисда: **“Пайғамбар қилиб юборилишимнинг боиси гўзал ахлоқни такомилга етказишдан иборатдир”** дедилар. Бу билан биз кўпчиликнинг ҳурматида сазовор бўлишимиз ёки аксинча, ўз ҳурматимизни йўқотишимиз мумкин.

Ислom динининг асосий манбаси ҳисобланмиш Қуръони каримда ҳам муомала ва одоб-ахлоқ масаласида оятлар нозил бўлган. Жумладан, Аллоҳ таоло ўз каломида:

وَلَا تُصَعِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمَسَّ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ

“Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки Аллоҳ барча кибрли ва мақтанчоқ кимсаларни сўймас”, дея марҳамат қилган.

Ҳозирда ёшларнинг оддий саломлашишда салом сўзини ишлатилишидаги камчилик ва нуқсонлардан муомала маданияти ва ахлоқининг қандай экани кўринмоқда. Қуръони карим ва ҳадиси шарифда инсонларнинг ўзаро гўзал муомалада бўлишига чақирилади. Жамият ҳаётида ҳусни хулқ шаклланиши ва одатга айланиши учун ёш авлодни чиройли муомала ва гўзал ахлоқ



руҳида тарбиялаш лозим. Чунки, гўзал хулқ ва тарбияга эга бўлмаган киши ҳеч қачон муваффақиятли натижага эриша олмайди.

Муомала маданияти инсонларни ўзаро тенглик асосида муносабатларни шакллантирганлигини ифода этади. Ўз навбатида саломлашиш ислом динидаги муомала маданиятининг бош меъзони қолаверса, кишилар ўртасида ижтимоий алоқалар ўрнатишга асосий омил ҳисобланади. Пайғамбаримиз (САВ)нинг саломлашиш орқали жамият аъзолари ўртасида меҳр-муҳаббат ҳурмат-эҳтиром ва бирдамлик пайдо бўлишига ишора қилинади. «Сизларнинг орангизда меҳр-муҳаббат уйғотадиган нарсани ўргатайми?.. Ораларингизда саломни кенг жорий қилинглар». Зеро, дунёда энг бахил киши саломга бахиллик қилган кишидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Одамларнинг энг бахили салом беришга бахиллик қилган кишидир” [3]**, дедилар. Инсонлар ким олдин салом беришга мусобақалашишлари лозим. Чунки ким олдин салом берса, савобнинг кўпроғини қўлга киритади. Олдин салом бериш камтарликка, бошқаларни олдин салом беришини кутиш эса манманликка киради. Ёшим катта, унинг ёши кичик, у салом берсин, дейиш кибр ҳисобланади. Инсон ўзидан кибрланишни ювиш учун ҳам ўзидан кичикларга салом бериши лозим. Шу сабабли олдин салом бериш инсондаги кибрни кетказиб, унга камтарлик камолотини беради.

Адабиётлар

1. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси - Ўзбекча таржима, таржимон: Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Луқмон сураси, 18-оят.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ал-Жоме ас-саҳиҳ, “Мунир”. 2021. I-IV-китоблар.
3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва таржимонлар гуруҳи. «Олтин силсила – Саҳиҳи Муслим» 5-жуз, «Hilol» нашриёт-матбааси. 2020 йил. –Б. 624.
4. Ражабова Р.З. XVIII-XIX асрларда Бухорода ёзилган Қуръоншунослик ва Ҳадисшуносликка оид асарларнинг таҳлили// Имом Бухорий маънавий мероси ва ҳозирги замон халқаро конференция. Самарқанд, Ўзбекистон. 2018 йил, 15-16 ноябр. –Б.132-134.
5. Sobirovich, T. B. (2023). Manifestations of Moral Threats in the Ideosphere of Uzbekistan and Their Prevention Strategy. Asian Journal of Basic Science & Research, 5(1), 103-108.
6. Sobirovich, T. B. (2023). Basic Criteria for Building the Third Renaissance in Uzbekistan. Asian Journal of Applied Science and Technology (AJAST), 7(1), 149-157.
7. Sobirovich, T. B., & Norman, Z. D. M. (2023). Harmony of National and Universal Values in Uzbekistan. Harmony, 7(1), 08-16.
8. Sobirovich T. B. National Principles of Democracy in Uzbekistan //Mediterranean Journal of Basic and Applied Sciences (MJBAS). – 2021. – Т. 5. – №. 3. – С. 131-135.